



УДК: 338.4

**Матризаева Дилором Юсупбаевна**

*Тошкент архитектура-қурилиш институти мустақил тадқиқотчиси*  
[matrizaeva86@bk.ru](mailto:matrizaeva86@bk.ru)

**Матризаева Диларам Юсубаевна**

*Ташкентский архитектурно-строительный институт Исследователь*  
*специальности 08.00.13 – Менеджмент*

**Matrizayeva Dilaram Yusubaevna**

*Tashkent Institute of Architecture and Civil Engineering*  
*Researcher speciality 08.00.13 – Management*

[matrizaeva86@bk.ru](mailto:matrizaeva86@bk.ru)

## **Саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари**

**Аннотация:** Ушбу мақолада саноат корхоналари иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари, hozirgi кундаги мавжуд ҳолат, шунингдек, уларни самарали бошқариш асослари ўрганилган. Муаллиф корхонани даромадга олиб чиқиш, суръатини ошира бориш ва шу орқали мамлакат иқтисодиётига хисса қўиши борасида мулоҳазалар юритади.

**Калим сўзлар:** саноат, корхона, самарадорлик, ишлаб чиқариш, баҳолаш, модернизация, инвестиция, прогноз.

## **Особенности оценки экономической эффективности промышленных предприятий**

**Аннотация:** В настоящей статье изучены критерии оценки экономической и социальной эффективности предприятий строительной индустрии, состояние дел на сегодняшний день, а также проанализированы основы их эффективного управления. Авторы рассматривают вопросы связанные с выводом предприятий на прибыль, повышением его уровня и тем самым внесением вклада в экономику страны

**Ключевые слова:** индустрия, предприятие, эффективность, производство, оценка, модернизация, инвестиция, прогноз.

## **Peculiarities of assessing economic efficiency of industrial enterprises**

**Аннотация:** The paper studies the criteria for assessing economic and social efficacy of enterprises of the construction industry, the current state of affairs, as well as analyses the basis for their effective managing. The authors consider issues related to bringing enterprises to profit, increasing their pace and by that making contribution to the economy of our country

**Key words:** industry, enterprise, efficacy, production, estimation, modernization, investment, prognosis.



## КИРИШ

Республикамизда бугунги глобллашув ва кескин рақобатчилик кучайиб бораётган бир шароитида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва қайта курулантириш натижасида маҳаллий маҳсулотлар сифатини ошириш ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали импорт ўрнини босувчи экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш орқали жаҳон иқтисодиётидаги ўз ўрнимизни сақлаб қолиш ва уни босқичма-босқич мустаҳкамлаш бориш масаласи кун тартибидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш бутун миллий иқтисодиётни, шу жумладан, унинг ажралмас қисми бўлган саноат корхоналари йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни жадаллаштиришни ҳам талаб қилади. Ҳозирги пайтда бу соҳа иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан замонавий менежментнинг илғор усулларида фойдаланган ҳолда саноат корхоналарида самарадорликни ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади [1].

Бизнинг асосий вазифамиз илмий нуқтаи назардан иқтисодий ўсиш омиллари ва самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик, уларнинг фарқи ва қайси омилларга устувор аҳамият бериш, уларни илмий-амалий таҳлил этиш ва бу борада хулосалар чиқаришдан иборатдир.

“Самарадорлик” тушунчаси иқтисодиёт фанининг асосий мезонларидан биридир. Иқтисодчи олимлар бу тушунчани турлича баҳолайдилар.

Айримлари, бу тушунчани иқтисодий категория деб билсалар, бошқалари иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичи, учинчилари эса бош мезон деб билдилар. Шундай қилиб замонавий адабиётларда “самара”, “самарадорлик”, “иқтисодий самарадорлик” тушунчалари кенг ўрганилган. Хусусан буларга Россиялик олимлар Назаров, Попов, Анчишкин, Грязнова, Новожилов, Павлов, Малинин, Октябрьский, Плышивский, Первушин ва бошқаларнинг ишларини киритиш мумкин бўлса [6,7,8,9,10,11,12,13], Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан



Р.Нуриимбетов, Л.Турикова, Ш.Зайнутдинов, А.Хошимов, М.Икрамовлар ва бошқа олимларнинг тадқиқотларини мисол қилиш мумкин [14,15,16,17,18,].

## АСОСИЙ ҚИСМ

Илмий тадқиқотларда иқтисодий ривожланиши ва унинг самарадорлигини баҳоловчи мезонлар, параметрлар, индикаторлар ва кўрсаткичлар кенг ёритилган. Шунингдек, мазкур бу муаммо ечимига қаратилган жаҳоннинг нуфузли ташкилотларининг бир қатор низомлари, кўрсатмалари ва ишланмалари ҳам мавжуд. Ҳозирги кунга қадар ушбу ташкилотлар томонидан ҳар бир давлатнинг иқтисодий ўсиш ва иқтисодий ривожланишининг йўналишлари бўйича қатор индикаторлар ва рейтинглар ишлаб чиқилган бўлиб, буларнинг барчаси жаҳон статистика тизими стандартида ўз аксини топган.

Авваламбор, мезон ва кўрсаткич тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ва уларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини аниқлаштирадиган бўлсак, мезон – бу иқтисодий адабиёт ва луғатларда ифодаланганидек, асосий восита ҳисобланиб, у ёки бу иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг ривожланиши, ўзгариши ва динамикасини аниқловчи кучдир [3]. Кўрсаткич эса шундай ҳолатга мос бўлиб, ишлаб чиқариш ёки корxonанинг барча фаолияти жараёнларини ўрганувчи ва таҳлил қилувчи воситасидир.

Иқтисодий адабиётларда мезон ва кўрсаткич ҳар хил маъно ва йўналишда ифодаланган. Бу борада муаллифлар турли гуруҳларга бўлинганлар. Масалан, 1) Бир мезон, бир кўрсаткич; 2) Бир мезон, кўп кўрсаткич; 3) Кўп мезон, кўп кўрсаткич.

Аслида олганда бундай ёндашувларни ўз ўрни бор, буларни ҳамма гуруҳи ижтимоий – иқтисодий ривожланиш нуқтаи назардан тўғри билиш мумкин. Аммо корхона даражасига келганда, уларни ўзига яраша корхоналарни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолдаги ўзига хослиги мавжуддир.


Юқорида таъкидланганидек самарадорлик тушунчаси ҳам турлича бўлганидек, уларнинг ўзларига хос мезон ва кўрсаткичлари ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ижтимоий самарадорлик турли гуруҳларга мос келиши мумкин эмас. Бундан ташқари самарадорлик энг кўп

учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг турли соҳаларида кенг фойдаланилади. Масалан, ишлаб чиқариш самарадорлиги, ресурс самарадорлиги, инновация самарадорлиги бошқариш самарадорлиги, ижтимоий самарадорлик ва ҳақозалар.

Ишлаб чиқаришда самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Сабаби бунда асосий мақсад маҳсулот бирлигига кам ресурс сарфлаб пировардида кўп натижа олишдир. Ушбу ибора самарадорликнинг асосий концепциясига мос келади. Шу нуқтаи назардан, ресурслар самарадорлиги ишлаб чиқаришда асосий самарадорлик ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурсларни ўз навбатида 5 та турга бўлиш мумкин: 1) моддий ресурслар; 2) меҳнат ресурслари; 3) молиявий ресурслар; 4) энергия ресурслари; 5) ахборот ресурслари.

Ушбу ресурслардан оқилона фойдаланиб саноат ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш мумкин. Саноат корхоналарида назарий жиҳатдан самарадорликни бошқаришни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда самарадорликнинг белгилари ва турларини бир тизимга келтириб таснифлашни ишлаб чиқиш самарадорлик назарияси учун зарур ҳолат ҳисобланади. Олиб борилган ўрганишлар ва таҳлиллар асосида, самарадорликни белгилари ва турлари бўйича таснифлашни қуйидаги кўринишда баён этиш мумкин.



## 1-расм. Самарадорликни таснифлаш тизими. [3]

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, унинг назариясини тадқиқ этиш, айниқса Ўзбекистон мисолида кенг қўламда тадқиқотларни амалга ошириш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий сабаби, бизнинг фикримизга вазирликлар, компаниялар, ишлаб чиқариш корхонлари, бозордаги конъюнктурага, талаб ва таклиф кўрсаткичларига асосланган ҳолда бошқаришнинг асосий тамойили бўлган самарадорликка етарлича эътибор беришмаяпти. Фикримизча бунга асосий сабаб ҳалиям бозор механизми элементларининг етарли даражада ишламаётганлиги, соф рақобатчилик муҳитининг тўлиқ шаклланмаганлигидир.

Умуман олганда самарадорлик кўрсаткичини ҳисоблашни қуйидагича оддий усулда амалга ошириши мумкин:

$$C = \frac{\text{Натижа (Н)}}{\text{Харажат (X)}} = \frac{\text{Натижа (Н)}}{\text{Меҳнат (M)} + \text{Моддий (M}_2\text{)} + \text{Молиявий сарфлар (M}_3\text{)}} \text{ ёки } C = \frac{Н}{M_1 + M_2 + M_3} \quad (1)$$

Ишлаб чиқаришда самарадорликнинг асосан ички туридан фойдаланадилар: иқтисодий ва ижтимоий. Ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўладиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларни иқтисодий ва маълум маънода ижтимоий самара деб ҳам тушуниш мумкин. Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижасини кўрсатиб, корхона ичида ва ташқаридаги ижтимоий ривожланшга таъсир кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш – бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва бошқаларнинг натижаси. Иқтисодий самара материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш сабабли эришилган миқдор. У вақтинча тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтини зоя кетказмаслик, маблағлар айланмасини тезлаштириш, бошқарувда иш сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади. [2]

Демак, ушбу самаралар ишлаб чиқаришнинг ўзида пайдо бўлаётгани, улар бирлашиб амалга оширилаётган жами меҳнатни ифодаласа буни ижтимоий – иқтисодий самара деб ифодалаш мумкин. Иқтисодий самарадорликни бошқариш мазмун – моҳияти унинг мезон ва кўрсаткичлари билан боғлиқдир.



Умуман олганда, иқтисодиёт даражасига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Жаҳон иқтисодиёти – мега даража.
2. Минтақа иқтисодиёти – мезо даража.
3. Мамлакат иқтисодиёти – макро даража.
4. Тармоқ, корхона иқтисодиёти – микро даража
5. Кичик фирма иқтисодиёти – нано даража.

Ушбу иқтисодиёт турлари ва даражаларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ва мос мезон ҳамда кўрсаткичлар белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий адабиётларда мезон ва кўрсаткичларни аниқлаш борасида хорижий ва амаҳаллий олимларимиз томонидан ёндашувларнинг турличалиги алоҳида таъкидлаган ҳолда бу борада ўз ёндашувимизни изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

**1-жадвал.**

### Иқтисодиёт турлари ва даражаларига мос мезон ва кўрсаткичлари [5]

Иқтисодиёт даражаси	Мезон	Кўрсаткичлар
1. Жаҳон иқтисодиёти	ЯИМ	ЯММ, реал даромад, ресурслар ҳажми жон бошига тўғри келадиган маҳсулот бозор конъюнктураси
2. Минтақавий иқтисодиёт	ЯИМ	ЯММ, реал даромад жон бошига тўғри келадиган даромад. инвестиция ҳажми, инновация ривож аҳоли бандлиги
3. Макро иқтисодиёт (давлат)	ЯИМ	Меҳнат умумдаражасига реал даромад инвестиция киритилиши. Аҳоли бандлиги ўртача иш ҳақи инновация ривож
4. Микро – иқтисодиёт (тармоқ, корхона)	Самарадорлик	Маҳсулот ҳажми, таннарх, меҳнат унумдорлиги, фойда, рентабеллик, асосий фондлар қиймати, айланма маблағлар қиймати, фонд қиймат кредити, ўртача иш ҳақи
5. Кичик фирма иқтисодиёти	Фойда	Маҳсулот ҳақи, таннарх, рентабеллик,



		меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, экспорт
--	--	---

Масалан, 5 та иқтисодиёт даражаларига қараб мезон ва кўрсаткичларга нисбатан иқтисодий адабиётларда мезон ва кўрсаткичларнинг ҳар хил маъно ва йўналишда ифодаланганлигини ва уларнинг асосан учта гуруҳга бўлиб ўрганилишини эътиборга олган ҳолда, мазкур гуруҳларга нисбатан айнан аксарият олимлар кўп мезонли ва кўп кўрсаткичлар гуруҳи тарафдорлари эканликларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Улар иқтисодий кўрсаткичларни умумий ва хусусийларга бўлиб, умумийларини мезон қилиб белгиламоқда. Бизнинг фикримизча эса, бундай ёндашув бугунги жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви нуқтаи назардан тўғри келмайди. Шу сабабдан, биз иқтисодиётни даражаларига қараб бир мезон ва кўп кўрсаткичлар гуруҳи тарафдоримиз. Мазкур ёндашувнинг мазмун – моҳияти 1-жадвалда кўрсатилган. Айрим тадқиқотларда, айниқса россиялик олимлар меҳнат унумдорлигини мезон сифатида ўрганишган. Улар бу ғояни асослаш учун жонли ва буюмлашган меҳнатни тежаш натижасида эришиш мумкин деган хулосага келганлар. Ўз ўрнида бу фикр тўғри бўлиши мумкин, аммо бундай ёндашув асосан маъмурий-бошқарувга асосланган режали иқтисодиётга хосдир. Шу сабабли бу ғояга қўшилмаган ҳолда, бу жараёнда фақат жонли меҳнат самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир деб ўйлаймиз. Демак, меҳнат унумдорлигини мезон сифатида фойдаланиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда муҳим ўрин эгаллайди. Аммо бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига аниқ баҳо бериш анча қийин, сабаби улар ўзгаришининг тенденцияси ва динамикасини таққослаш мураккаб масаладир.

Шундай қилиб, қурилиш материаллари корхоналарининг ишлаб чиқаришда иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни ривожлантириш учун қуйидаги долзарб масалаларни ҳал этиш таклиф этилади:



- келажакда рақобатбардошликни ошириш учун ишлаб чиқаришда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва юқори технологияли жихозларни жорий этиш;

- инновация ва фан – техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва маҳсулотнинг техник даражасини кўтариш, фан – техника ютуқларини жорий этишни кучайтириш;

- инсон омилини кучайтириш асосида ходимларнинг ижодий фаоллигини ва ташаббускорлигини ривожлантириш;

- рақобатбардошликни ошириш, рақобатга чидамли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини сақлаш ва мустаҳкамлашни таъминлаш.

- маҳсулот таннархига таъсир этувчи юқори материалли ва энергия сиғимли маҳсулотни ишлаб чиқаришни бартараф этиш ва юқори қўшилган қийматлиларни ишлаб чиқариш;

- ишчи кучи ва кадрлар салоҳияти сифатини ошириш, янги инновацион технологиялар ва сифат менежментини яратиш ва жорий этиш;

- ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталарини топиш, у асосида ўзаро боғланган ва ёрдамчи қўшилган қийматли саноат тармоқларини ривожлантириш. Бу нафақат маҳсулот рақобатбардошлигини оширади, балки саноатлаштириш миқёсини кенгайтиришда синергетика самарасини беради;

- кичик ва катта корхоналар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш асосида инновация соҳасидаги янгиликларни ҳисобга олган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, саноат корхоналарининг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари турли бевосита ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишда ташкилий-иқтисодий, технологик ижтимоий муносабатларга боғлиқдир. Ушбу муносабатлар даражаси қанчалик юқори бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик ошади. Ҳар бир муносабат турини ўзига хос мезон ва



кўрсаткичлари мавжуд. Улар самарадорликни баҳолашда албатта ҳисобга олиниши шарт. Шундагина, корхоналарнинг ожиз томонлари камайиб кучли томонлари ошиб боради.

Умуман олганда бугунги қадар иқтисодиёт фанида мезон ва кўрсаткич атамалари кенг ўрганилган жиҳат бўлиб, иқтисодчи олимлар томонидан ҳар томонлама мазмун – моҳияти очиб берилган. Лекин бугунги глобаллашув ва кескин рақобатчиликнинг кучайиши шароитда саноат корхоналарининг тузилиши, хусусиятлари, бошқариш тизимидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ва мос кўрсаткичлари мавжуд. Шунга эътиборан корхона самарадорлигига таъсир этувчи омиллар, уни баҳолашда зарур асосий кўрсаткичлар тизими тузиш ва кўрсаткичларни аниқлаб олиш жуда муҳим ҳисобланади. Сабаби ҳар бир кўрсаткичнинг самарадорлигини баҳолашда ўз ўрни бор, фақат уларнинг таъсирини ўрганишда тўғри ва аниқ ҳисоблаш усулларидан фойдаланиш бу борадаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатаётган асосий йўналишлардан бири рақобатбардошлиқдир. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир саноат маҳсулот тури бозорда ўз ўрнини топиши учун, аввало, рақобатга чидамли бўлиш зарур. Чунки рақобат билан корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Бу ҳолат тўғридан-тўғри қурилиш материалларига ҳам тааллуқлидир. Бозорнинг бу жиҳатига муҳимэътибор қаратилаётган бўлса ҳам, аммо бу соҳада бир қатор муаммолар мавжудлиги тадқиқот давомида аниқланди. “Ўзқурилишматериаллари” АЖ менежерлари бу муаммоларни самарали ҳал этиш учун рақобатбардошлиқ тамойиллари, мақсад ва вазифалари, турлари, бозор муносабатлари назариясини чуқур билишлари лозим.

## АДАБИЁТЛАР

1. Абдукаримов И.Т. “Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари: 3-чиқарилиш, тўлдирилган ва қайта ишланган нашр” –Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси”, 1999 й

2. Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суратини ошириш йўллари. Демократик диссертация автореферати. Т.: 2017. 32-бет.



3. Низамов А.Б. Экономический рост и управления региональной экономикой в условиях рынка. Т.:Турон – 5. Иқбол, 2006. 173-б
4. Махмудов Э.Х. Экономика промышленных предприятий учебник. Т.:Иқтисодчи, 2015. 80 с.
5. Муаллиф ишланмаси
6. Попов Г.Х. Великая альтернатива XXI века. — М.: Изд-во Международного университета, 2013. — 416 с.
7. Новожилов В. В. У истоков подлинной экономической науки. — М.: Наука, 1995. — 234 с.
8. Pervushin N.V. Between Lenin and Gorbachev : memoirs of Lenin's relative and critic. Vantage Press, 1989.
9. Нуримбетов Р.И. Минтақа иқтисодиётни бошқариш механизми ва унинг самарадорлиги. Т.: “Фан”, 2008, 204б.
10. Зайнутдинов Ш.Н., Ашуров З.А. Корпоратив бошқарув самарадорлиги. - Т.: ТДИУ, 2010. 105б.
11. Matyakubov, A. M., & Matrizayeva, D. (2019). Sustainable economic growth with innovative management in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 08 (76), 250-257.
12. Мэтякубов А. Д., Матризаева Д. Ю. Экономический анализ эффективности управления инвестициями в промышленности // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №7. С. 251-256. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/56/27>
13. Матризаева Д. Ю., Мирджалилова Д. Ш. ОПЫТ РАЗВИТЫХ СТРАН ПО ПРИМЕНЕНИЮ СЕРВЕЙИНГА В СФЕРЕ УПРАВЛЕНИЯ НЕДВИЖИМОСТЬЮ // Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 22. – С. 371-376.
14. Мирджалилова, Д. Ш. Современные тенденции и развитие рынка услуг по управлению объектами недвижимости = Modern trends and development of the real estate management services / Д. Ш. Мирджалилова // Экономика строительного комплекса и городского хозяйства [Электронный ресурс] : материалы



международной научно-практической конференции, (Минск 3-6 декабря) / редкол.: Т. Н. Водоносова [и др.]. – Минск : БНТУ, 2019. – С. 211-226.

15. Nurimbetov R. I., Metyakubov A. D. ADVANCED HOUSING FUND MANAGEMENT SYSTEM AS A TOOL FOR IMPROVING DELIVERY OF MUNICIPAL SERVICES ON CLIENT SATISFACTION //PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology. – 2020. – Т. 17. – №. 6. – С. 3177-3188.

16. Mirdzhalilova D. Trends and Current State of the Services Market on the Property Management in Uzbekistan //Bulletin of Science and Practice. – 2019. – Т. 5. – №. 6. – С. 312-317.

17. Мэтякубов А. Д. Вопросы привлечения инвестиций в промышленности Республики Узбекистан (на примере производства строительных материалов) // Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. №7. С. 379-387. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/metyokubov> (дата обращения 15.07.2018).

18. Nurimbetov R. I., Metyakubov A. J. Creating and developing special industrial zone in the region of lower reaches of Amu Darya River //The Thirteenth International Conference on Economic Sciences 24th November. – 2016. – С. 103-109.

19. Нуриббетов Р. И., Мэтякубов А. Д., Матризаева Д. Ю. Анализ эффективности управления инвестициями в промышленности строительных материалов. – 2020.

20. Sultanov A. Prospective foreign experience outcome implementations of housing fund management in Uzbekistan //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 201-207.

21. Мэтякубов А. Д., Болтаев У. Т. Тенденция экономического развития производства строительных материалов в Республике Узбекистан //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 243-249.

22. Kakhramonov, Kh. Sh. U. Comprehensive assessment and methods of increasing the efficiency of housing and communal services management in the Republic



of Uzbekistan / Kh. Sh. U. Kakhramonov // Theoretical & Applied Science. – 2021. – No 3(95). – P. 173-176. – DOI 10.15863/TAS.2021.03.95.31.